

ШАРТНОМА № 185

Ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар учун техник сув етказиб бериш тўғрисида

Муборак шаҳар

“17” декабрь 2021 йил

“Муборакнефтваз-Сувтаъминот” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда – **Таъминотчи**) номидан ушбу жамият устави асосида фаолият кўрсатувчи жамият директори Р.Б.Сатторовни тимсолида бир тарафдан ва

“O‘zbekneftgaz” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – **Истеъмолчи**) номидан ушбу жамият томонидан тасдиқланган Муборак нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси тўғрисидаги Низом ва 04.03.2021 йилда берилган 12-1-54-сон ишончнома асосида фаолият кўрсатувчи бошқарма директори Р.Ч.Шеровни тимсолида иккинчи тарафдан,

биргаликда “Тарафлар”, алоҳида “Тараф” деб аталадиганлар, Таъминотчи “O‘zbekneftgaz” -АЖ таркибидаги ташкилот эканлигини ва Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.08.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-3953-сонли қарорига илованинг 9-бандига мувофиқ техник сув харид қилиши учун Таъминотчи билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш ҳуқуқига эга эканлигини ҳисобга олиб қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома мазмуни


- 1.1. Ушбу Шартнома бўйича Таъминотчи 2022 йилда Истеъмолчини Шартномада белгиланган тартибда ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар учун техник сув (кейинги ўринларда – Техник сув) билан таъминлаш, Истеъмолчи эса Техник сувни қабул қилиб, Таъминотчига Техник сувнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.
- 1.2. Таъминотчи томонидан Истеъмолчига етказиб бериладиган Техник сувнинг миқдори 2'200'000 (икки миллион икки юз минг) куб метрни ташкил қилади.
- 1.3. Шартнома тузилган пайтдан бошлаб кучга кириши ва Тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади, ҳамда 2022 йил 31 декабрь куни ҳолатига амал қилади.

2. Техник сувнинг нархи ва ҳисоб-китоб тартиби

- 2.1. Таъминотчи томонидан Истеъмолчига етказиб бериладиган бир куб метр Техник сувнинг нархи “Ўзбекнефтваз» АЖ нинг 201 йил 16 мартдаги 08/34-3-397 сонли хатига асосан ҚҚС билан 5'520 (беш минг беш юз йигирма) сўмни, йил давомида етказиб бериладиган Техник сувнинг суммаси ҚҚС билан 12'144'000'000 (ўн икки миллиард бир юз қирк тўрт миллион) сўмни ташкил қилади.
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.11.2017 йилдаги “Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 5241-сонли фармони мувофиқ Истеъмолчи навбатдаги ой бошланишига қадар ушбу ойда етказиб бериладиган Техник сув сувнинг 100 фоизи миқдоридаги олдиндан тўлов амалга оширади. Бунда Истеъмолчи томонидан илгари амалга оширилган ортикча тўловлар ҳисобга олинади.
- 2.3. Истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар улар сарфлаган Техник сувнинг ҳажми учун амалдаги тариф бўйича тегишли тоифаларга мувофиқ малга оширилади.
- 2.4. Таъминотчи Истеъмолчини ушбу Шартномага илова қилинаётган жавдвалда (1-илова) қайд этилган миқдордаги Техник сувни ушбу жадвалда кўрсатилган муддатларда таъминлайди.
- 2.5. Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган Техник сув ҳажми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сон қарорига мувофиқ ўрнатилган сувни ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичлари бўйича, сувни ҳисобга олиш асбоблари ишдан чиққан, синган, бузилган ва бунга ухшаш ҳолатларда ушбу қарор билан тасдиқланган коидаларга мувофиқ аниқланади.
- 2.6. Истеъмолчи етказиб бериладиган Техник сув миқдорини назорат қилиш учун ўзининг ходимларидан масъул шахсни тайинлайди.
- 2.7. “Таъминотчи” етказиб берилаётган сувнинг таннархи ўзгарган ҳолда асословчи ҳужжатлар билан (истеъмол қилинаётган электр энергияси нархи ошганда, сотиб олинаётган сувнинг нархи ошганда ва бошқа моддий қийматликлар нархи ошганда, иш хақи ва солиқлар ошганда ва бошқа асосланган ҳолатларда) “Истеъмолчи” га 10 кун ичида хабар берилади.

Таъминотчи

4 бетнинг 1 бети



3. Истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1 Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- a. Техник сув ўлчаш мосламаларини “Ўзстандарт” агентлигида рўйхатга қўйиб, сертификат олиш, 4 йилда бир мартаба ишга яроқлиги ҳақида Давлат стандартида экспертизадан ўтказиш;
- b. Таъминотчи томонидан тасдиқланган техник шартлар ва лойihalарига асосан ўзига тегишли сув қувурлар тизимини қайта таъмирлаш, ҳамда сувни тақсимлаш воситалари, барча жихозлар, ёнғинга қарши гидрантлар ва сув қувурлар тармоқларини ўз ҳисобидан таъмирлаш;
- c. сув қувурларида ўзгаришлар, оқиш ва бошқа салбий ҳолатлар бўйича ҳамда сув ўлчагич мосламасини носозлиги, банк реквизитлари ўзгарганлиги ҳақида ўз вақтида Таъминотчига хабар бериш;
- d. агарда Таъминотчи томонидан ўрнатилган сув ўлчагич мосламаларида ёки сув жўмрақларида муҳрлар бузилган ҳолатлари аниқланса, Техник сув ҳақини Шартноманинг 2.4 бандига кўрсатилган қоидаларга биноан тўлаш;
- e. ҳар ойнинг 23-25 кунларида амалга Таъминотчининг вакили иштирокида сув ўлчаш мосламалари кўрсаткичларни текшириб, бу ҳақда далолатнома тузиш;
- f. истеъмол қилинадиган Техник сув миқдорига ўзгартиришлар киритиш зарурияти юзага келганда, бу ҳақда Таъминотчини 10 кун олдин хабардор қилиш;
- g. Таъминотчига тегишли сув қувурларига ўзбошимчалик билан уланмаслик ва сув ўлчагич мосламаларини тегишли рухсатсиз ўзгартирмаслик; Агар ўзбошимчалик билан уланишлар Таъминотчининг вакили томонидан аниқланса, бу ҳақда 2 нусхада далолатнома тузиш;
- h. етказиб берилган Техник сув учун Шартноманинг 2.2. бандида белгиланган тартибда Таъминотчига ҳақ тўлаш

4. Таъминотчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Таъминотчининг мажбуриятлари:

- a. Истеъмолчига Шартноманинг 1.2 бандида кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган миқдорда ва узлуксиз равишда, ҳамда амалда фойдаланиш учун яроқли бўлган Техник сув етказиб бериш;
 - b. ўзига тегишли сув қувурларини техник жихатдан фойдаланиш учун яроқли бўлишини таъминлаш; Истеъмолчига Техник сув етказиб бериш тизимида таъмирлаш ишларини олиб бориш зарурияти туғилганда ва ушбу таъмирлаш ишларини сувни етказишни тўхтатмасдан олиб бориш имконияти бўлмаганида, Техник сув етказиб берилиши тўхатилиши тўғрисида Истеъмолчини 3 (уч) кун олдин хабардор қилиш;
 - c. ҳар ойнинг 26-30 санасида Истеъмолчига сув етказиб бериш хавзаларидан (Муборак СТИ, Зеварда СТИ, Хамза НС) маҳсус лицензияга эга ташкилот томонидан сув таҳлилини тақдим этиб бориш;
 - d. Техник сув таъминоти тармоқларинининг техник ҳолатини мунтазам равишда назорат қилиб бориш;
 - e. Техник сув тўлиқ ҳажмда етказиб берилмасилиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган техник сув етказиб берилиши оқибатида Истеъмолчига етказилган зарарларни белгиланган тартибда қопла;
 - f. Техник сув таъминотида мумкин бўлган режали тўхтатиш ва узилишлар ҳақида Истеъмолчини узилишлар бошлангунча 10 иш кунидан кечикмай огоҳлантириш.
- #### 4.2. Таъминотчи қуйидаги ҳолатларда сув етказиб беришни тўлиқ тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга:
- a. Истеъмолчи етказиб бериладиган Техник сув учун тўловларни муддатида амалга оширмаса;
 - b. Истеъмолчига тегишли сув етказиб бериш тизимининг техник ҳолати қоникарсиз ҳолатда бўлса;
 - c. Таъминотчи ташкилотининг электр таъминоти тўхтатилганда;
 - d. табиий офатлар рўй берганда;
 - e. авария ҳолатларида;
 - f. ёнғин чиққан жойларга сув узатишни қўпайтиришга зарурат туғилганда.
 - g. Истеъмолчи томонидан Шартнома шартлари бажарилмаганда;
 - h. Узбошимчалик билан сув қувурларга Истеъмолчи томонидан уланган ҳолат аниқланганида;
 - i. Истеъмолчи ўзи сувдан фойдаланишни тўхтатиш тўғрисида ариза билан мурожаат этганда.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал этиш тартиби

- 5.1. Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, ҳамда ушбу шартнома билан белгиланади.

- 5.2. Техник сув етказиб берилмаган ҳолларда Таъминотчи Истеъмолчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган Техник сув баҳосининг 10 (ўн) фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.
- 5.3. Техник сув ҳақини ўз вақтида тўламаганлиги учун Истеъмолчи Таъминотчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 10 (ўн) фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.
- 5.4. Ушбу Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар уларнинг ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади. Агар низомларни музокара йўли билан ҳал қилишнинг иложиси бўлмаса, улар талабнома бериш тартибига риоя қилинганидан сўнг иктисодий судда кўриб чиқилишига тегишли бўлади. Талабномани олган Тараф уни 10 (ўн) календарь кунида кўриб чиқиши шарт.

6. Коррупцияга қарши курашиш шартлари


- 6.1. Тарафлар коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги тартиб ва тамойилларга риоя қилиши (ўзининг мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланмаслиги, шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этмаслиги) шарт.
- 6.2. Тарафларнинг бири Шартноманинг 6.1. бандида кўзда тутилган шартларга риоя этмаса, иккинчи Тараф Шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортиб, Шартномани тегишлича ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин. Бундай ҳолатларда Шартноманинг 6.1. бандида кўзда тутилган шартларга риоя этмаган Тараф иккинчи Тарафдан Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш туфайли етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.
- 6.3. Бажарувчи ушбу Шартнома бўйича Буюртмачи ходимларининг коррупцион ҳаракатларига тўқнаш келса ёки бу каби ҳаракатларини билса, бу ҳақда қуйидаги алоқа йўллари орқали Буюртмачига хабар бериши зарар:
- Буюртмачининг + 998 (71) 233- 28-88 рақамли ишонч телефониغا;
 - Буюртмачининг <http://www.ung.uz/contacts/> расмий сайтига;
 - Буюртмачининг “Facebook” тармоғидаги @uzbekneftgaz каналига;
 - Буюртмачининг Telegram каналидаги “UNG Общение”: @uzneftgazbot ботига;
 - Буюртмачининг почта манзилига тегишли матндаги хат билан.


7. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг таъсири


- 7.1. Бартараф қилиб бўлмайдиган ҳолатлар (сув тошқини, зилзила, ёнғин ва бошқалар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳукумат қарорлари ва ҳоказолар) руй берган ҳолларда Тарафлар мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилинади. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларга туқнаш келган Тараф бу ҳақда иккинчи Тарафни 3 (уч) календарь кун муддатда ёзма тартибда хабардор қилиш керак.

8. Қўшимча шартлар

- 8.1. Ушбу Шартноманинг шартлари ва ундаги маълумотлар, ҳамда Шартномани бажариш жараёнида олинган маълумотлар сир бўлиб ҳисобланади ва Шартноманинг амал қилиш муддати давомида, ҳамда Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг 1 (бир) йил давомида иккинчи Тарафининг розилигисиз учинчи тарафга ҳар қандай ҳолда ошкор этилмаслиги шарт.
- 8.2. Шартнома Тарафларининг ўзаро келишувига мувофиқ ёки бир тараф Шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда иккинчи тарафнинг талаби билан бекор қилиниши мумкин.
- 8.3. Шартномани бир тарафлама бекор қилиш ёзма таклиф бериш йўли билан амалга оширилади, таклиф олингандан бошлаб 10 (ўн) календарь кун муддатда унга жавоб олинмаган тақдирда Шартнома бекор қилинган деб ҳисобланади.
- 8.4. Ушбу Шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ва ваколатли шахслар томонидан имзоланганидан бошлаб ҳақиқий ҳисобланади. Шартномага иловалар унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.
- 8.5. Шартномани тузишга оид барча ёзма ва оғзаки келишувлар, агар улар Шартнома шартларига зид бўлса, Шартнома имзоланганидан бошлаб ўз кучини йўқотади.
- 8.6. Шартнома ўзбек тилида ва 2 (икки) асл нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга ҳисобланади ва Тарафларга бир нусхадан берилади.

 Таъминотчи



 Истеъмолчи

- 8.7. Шартнома тузилган пайтдан бошлаб кучга киради ва Тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади, Шартноманинг шартлари Тарафлар ўртасида 2022 йил 1 январь кунидан бошлаб вужудга келган муносабатларга нисбатан қўлланилади, ҳамда 2022 йил 31 декабр куни ҳолатида амал қилади.
- 8.8. Тарафга тегишли бўлган талаб қилиб олиш ҳуқуқи иккинчи тарафнинг розилигисиз учинчи тарафга утказилмаслиши мумкин эмас.
- 8.9. Номи, юридик манзили ёки реквизитлари ўзгарган Тараф бу ҳақда иккинчи Тарафни 3 (уч) календар кун муддатда хабардор қилишлари шарт.
- 8.10. Шартномага иловалар унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади ва Шартномага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
- Илова № 1 Техник сув миқдори ва етказиб бериш муддатлари 1 варақда;
 - Илова № 2 Техник сувни ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилган жойлари ва тавсифлари 2 варақда;
- 8.11. Истеъмолчининг локал ҳужжатларида белгилаб қўйилганлиги сабабли Таъминотчи Шартномани имзолашга қадар ўзи раҳбарлик қилаётган корхона уставининг нусхаси, давлат руйхатидан утганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ҳамда 2-сонли картотека бўйича банк маълумотномасини Истеъмолчига тақдим этиши шарт.

9. Тарафларнинг манзили, реквизитлари ва имзолари

Таъминотчи

“Муборакнефтгаз-Сувтаъминот” МЧЖ

180900, Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Муборак шаҳар, Занжирсарой кўчаси, 1/1 уй
e-mail: _____

тел.+99875 672 17 40, факс +99875 _____

х/р 2020 8000 6042 9661 4001АТ “СҚБ” Муборак филиалида, МФО 00186, СТИР 204 770 578, ОКОН _____



Р.Б.Сагторов

Истеъмолчи

“O'zbekneftgaz” АЖ

100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Истикбол кўчаси, 21 уй,
e-mail: kans@uzneftgaz.uz / info@ung.uz

тел.+99871 236 02 10, факс +99871 236 77 71
х/р 2021 0000 8001 2433 9001 АТ “СҚБ”

Тошкент шаҳар Яшнобод филиалида,
МФО 00432, СТИР 200 837 914,
ИФТК 84111 ОКПО 000 375 17



Р.Ч.Шеров

Келишилган:

Бош муҳандис
Бош энергетик – бош энергетика бўлими бошлиғи

Д.Б.Курбанов

Иссиқлик энергетика хизмати бошлиғи

Б.Б.Рузиев

Бухгалтерия ҳисоби бўлими катта ҳисобчиси

У.Б.Худойбердиев

Режа ва иқтисод бўлими бошлиғи


Ш.К.Кудратов

Харидлар бўлими бошлиғи

А.Р.Саманадаров

Юридик бўлими бошлиғи

Ж.Р.Яхшибоев



**"Муборак НКЧБ" худудларига «Муборакнефтваз-Сувтаъминот» МЧЖ томонидан
 2022 йил ойлар кесимида техник сув етказиб бериш жадвали.**

№ т/р	Объект номи	2022 йил ойлар кесимида техник сув етказиб бериш миқдори (м3)												Жами		
		Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь			
1	Етказиб бериладиган техник сув миқдори м3	140 000	140 000	180 000	180 000	230 000	230 000	230 000	230 000	230 000	230 000	180 000	180 000	140 000	140 000	2 200 000

**«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»
 «Муборакнефтваз-Сувтаъминот» МЧЖ**



Директор


Сагаторов Р.Б.

**«ИСТЕЪМОЛЧИ»
 "Муборак НКЧБ"**




Директор

Р.Ч.Шеров




Muborak NGQCHB ga qarashli obektlarda o'rnatilgan suvni hisobga olish asboblari joylari va tavsiflari

T/R	Obekt nomi	O'rnatilgan suv sarf hisoblagich rusumi	O'rnatilgan suv sarf hisoblagich zavod raqami	Yangi o'rnatilgan suv sarf hisoblagich 27.12.2021yil holati bo'yicha ko'rsatgichi
1	"Ko'kdumaloq" NGKM ishchilar shaharchasi	ULTRAMER-200	149	80 251
2	"Ko'kdumaloq" NGKM TICHX	ULTRAMER-200	142	129 750
3	"Janubiy kemachi" GKTQ	ULTRAMER-100	434	9 612
4	"Umid" GBTQ	ULTRAMER-100	517	1202,00
5	"Janubiy O'rtabuloq" majmuasi ishchilar shaharchasi	ULTRAMER-150	226	14 499
6	"Somontepa" GBTQ	ULTRAMER-150	220	3 589
7	"MGQIB" Janubiy O'rtabuloq" uchastkasi	ULTRAMER-50	1070	7 016
8	"Dengizko'l" GBTQ	ULTRAMER-150	238	17 917
9	"Zevarda" NGKM	ULTRAMER-200	157	57 188
10	"Alan" GKTQ	ULTRAMER-100	441	13 348
11	"Alan" SKS	ULTRAMER-80	456	19 113
12	"Pomuq" GKTQ	ULTRAMER-100	508	6 573
13	"Kultak-Pomuq-Alan" gaz konlari ishchilar shaharchasi	ULTRAMER-150	254	6 852
14	"Kultak" GBTQ	ULTRAMER-150	233	7 619
15	"Ko'kdumaloq" Mexmonxonasi	PRV-50	1451	60 084
16	"Ko'kdumaloq" NGKM qo'riqlash posti	PRV-40	1102	402
17	MGQIB (JIYMI)	ULTRAMER-80	555	84
18	Energetika xizmati IITЭС	PRV-50	1452	73 217
19	Harbiy qism 99196	PRV-80	559	910 130
20	MNGQCHB Bosh bino, Choyxona	PRV-50	1453	3 632
21	ATS AYOQSH (Zarabka)	Navator-20	1304390	7 043
22	Markaziy omborxonasi EKXS, Mexanik ta'mirlash sexi	PRV-50	1446	11 043
23	Xo'jalik hisoblagich qurilish xizmati (X3Y)	ULTRAMER-50	262	9 385
24	Shumak koni	PRV-50	1454	13 493
25	"Janubiy Kemachi" GKTQ ishchilar shaharchasi	ULTRAMER-50	988	95



"Ta'limotchi"



"Iste'molchi"